

Адабиётимизда хозиргача тилга олинмаган ўзбек ва тожик тилларида ижод этган истеъдодли мумтоз шоир. Неъматбадал Партав (Партавий) асли ўратепалик бўлиб, Самаркандда ҳам яшаган. Кандайдир сабаб билан Наманганга келиб қолган. У тугма кўр ва паралич бўлган. Хеч қандай мактаб ва мадрасада ўқимаган. Аллох унга тугма истеъдод ато этган. Куръони каримни ёд олган. Шоирнинг уй-жойи, бола-чакаси бўлмаган. Октябрь тўнтаришидан аввал Наманганнинг давлатманд кишилари, шеърият мухлислари Партавни моддий таъминлаб туришган ва шеърларини ёзиб олишган. Инкилобдан сўнг, шоир моддий ахволи ёмонлашиб, тиламчилик билан кун кечирган. Шеърият ихлосманди марҳум Усмон Кори ака Тошмирзаевнинг айтишича, Партав шеърни тўхтамай айтар, ёзиб олувчилар чарчаб қолар, у эса давом этар экан. Шоир ихлосмандларидан бири келиб, «Партав домла, Файзулла Хўжаевга атаб бир шеър ёзинг, мен уни шаҳар фирка кўмитаси биринчи котиби Эрматовга етказаман, у сизга ёрдам беради», деган. Партав шу захоти ёзинг деган, мухлис шеърни ёзиб олиб, Эрматовга етказган. Шеър Ф. Хўжаевга етган, етмагани номаълум, лекин Эрматов шоирга жой тайин этиб, анча мурувват кўрсатган. Хатто извошида олиб ҳам юрган. Кўп ўтмай Ф. Хўжаев халқ душмани тамгаси билан отиб ташланган. Партав шеърдан хабардор қандайдир исковуч ДСБ (ГПУ)га маълумот берган ва шоирни тиламчилик қилиб ўтирган жойидан олиб кетиб, отиб ташланган.

Қандай ёвузлик! Дунёни кўришдан маҳрум бирон жойга бора олмайдиган, Аллохнинг энг бахтсиз, юпун бир ногирон бандаси халқ душмани бўлса-я! 30 йил давомида Партав хақида маълумот қидирдим. Унинг шеърларини ёзиб олганлар ўтиб кетишган. Ягона хаёт қолгани Усмон Кори акадир. У билан суҳбатлашдим: «Домла, Партав қамалгандан кейин, кўркиб, ҳамма ёзиб олган шеърларини қўйдириб юборганман». Партав замондоши ва у билан яқин муносабатда бўлган Мулла Йўдқош Хилватий девонини нашрга тайёрлаш давомида Хилватийнинг дўсти қози Мухаммад Орифхон маҳдум тузган баёзнинг 20а — 33а варақларида Партавнинг Орифхон маҳдум ўгли Абдулборий вафотида ёзилган ўзбекча марсияси (68 банд) ва тожикча марсияси (13 банд) берилган. Партавнинг номи Неъматбадал эканини ҳам марсиялардан аниқладим. Ўзбекча марсия 25 — жумод ус-соний 1350 (8 ноябрь 1931) йили, тожикча марсия 25 шаъбон 1350 (5 январ 1932) йили ёзилган. Хар икки марсиядаги шеърлар 457 мисрадан иборат. Тўрақўргон туманида бир аёлда сақланаётган қўлёзмада Партавнинг Мухаммад Орифхон таржимаи холига бағишланган 63 бандлик мухаммаси берилган. Охири шундай тугайди:

Хам ул қози Мухаммад орифи қомилга бу ашъор,
Дедим уро, қима ўлди баоби равнақи ашъор,
Тўқулди мабдаи Файёздин файзи Хайи Гаффор,
Мани қўнглимга беҳад айлади қим бунчалик гуфтор,
Билинг, оғох бўлинглар Партавий шоир суҳандонман.

Яна шу тўпламда Партавнинг юқорида эслатганимиз қўлёзмага қиритилган хар банди 9 мисралик қози Мухаммад Ориф маҳдумнинг ўгли Мухаммад Абдулборий, набираси Уммун Нисо, сўнгра Насимахон Жўрахон қизи вафоти муносабати билан ёзилган марсияси берилган (156—236 варақлар). Унга ёзилган сўзбоши охирида шундай дейилган: «Ўратепалик қори Неъматбадал, шоири ба тахалуси Партав ушбу марсияси мухаммасни

назмга келтирди». Юкоридагилар вафотига тожик тилида ёзилган хар бир банди 9 мисралик 19 байтдан иборат марсия хам берилган. Сўнг Мухаммад Абдулбоки ўгли Умид вафотига багишлаган 22 байт марсия хам Партав каламига мансуб (32б — 33б). Яна шу кўлёмада шоирнинг Мухаммад Орифнинг келини Назирахон, жияни, укаси Толиб махдумнинг ўгли Турсунали ва Зокирахонлар вафоти муносабати билан ёзилган хар банди 8 мисралик 38 банддан иборат марсияси хам киритилган (51б — 54^о варақлар). Марсияларнинг охирида мархумлар вафоти тарихи, абжад хисобида хижрий сана билан бериб кетилган ва Партав тахаллуси кўйилган. Партав каламига мансуб биз аниқлаган марсиялар, юкорида эслатганимиз таржимаи хол касидаси билан бирга 1248 мисрадан иборат. Улар бадийи пишик, ўзбек мумтоз адабиёти услубида арузда ёзилган. Уларда кўплаб диний иборалар, Куръон ва хадислардан иктибослар учрайди. Марсиялардан XX асрнинг биринчи ярми Наманган адабий мухити ва тарихий хаётига оид, ўша давр илм ва маърифат намоёндалари, айрим тарихий шахслар, зиёлилар ва мансабдорлар хақида мухим маълумотлар топиш мумкин. XX аср биринчи ярми ўзбек мумтоз адабиётида марсиянависликда Партав энг юкори чўккида бўлган. Партав хақида илк бор «Ўзбекистан адабиёти ва санъати» газетасида «Партав — катагон курбони» маколамизни эълон килдик (2003 йил 26 сентябрь).

Хожи Исматуллох Абдуллох